Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 25 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

№ 57 (6568).
Баҳоси сотувда эркин нархда.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ИШ БОШЛАДИ. АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ДАВР ТАЛАБИГА МУВОФИҚ ТАШКИЛ ЭТИШ МАКТАБИДИР.

ИҚТИДОРЛИЛАР ЙИҒИЛИШДИ

Чуст туманининг Ғовасой қишлоғидаги «Иқтидор» оромгоҳи бир ҳафта давомида физика фани мутахассислари ва ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Республика иқтидорли ёш физик ва математикларининг бу анжумани ҳар қачонгидан ҳам ишчан руҳда ўтди.

Ўзбекистоннинг таниқли физик ва математик олимлари ҳамда ўқитувчиларидан ташкил топган гуруҳ ўқувчиларга қизиқарли долзарб, муаммоли мавзуларда маърузалар қилишди. Ўқувчилар ўз олдиларидаги вазифалар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлишди. Бу тадбирни ўтказиш учун Истиқболли тадқиқотлар инновация институти ҳомийлик қилиб, ярим миллион сўм ажратди.

А. АКМАЛОВ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Тошкент вилоятн Қибрай тумани халқ таълими бўлими ходимларининг «Бир пиёла чой устида» деб номлангав анъанавий август кенгашлари тумандаги 26-ўрта мактаб ҳовлисида давра суҳбати шаклида ўтказилди. Унда оталиқ ташкилотларининг вакиллари, маҳалла қўмита раислари, ўқитувчилар, мактабгача тарбия мактабдан ташқари муассасалар ходимлари, шунингдек Қибрай тумани ҳокими А. Иўлчиев, туман халқ таълими бўлими мудири У. Мусаев ва бошқалар иштирок этдилар.

Сўз олганлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни асосидаги янги турдаги мактабларни ташкил қилишнинг аҳамияти, бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими муассасалари ва таянч ташкилотларнинг ҳамкорлиги, ижодкор ўқитувчилар ҳаракатини ривожлантириш ҳамда мактабдан ташқари муассасаларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш йўллари, мактабгача тарбия муассасаларининг йўриқномасидан келиб чиқадиган вазифалар, бола тарбиясида мактаб, оила, маҳалла, жамоатчиликнинг ўрни каби масалалар хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, анжуманда ижодкор ўқитувчилар ўз ларининг ўқитиш услублари, иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Анжуман сўнгида ўқитувчиларга бошланажак ўқув йилининг дастлабки машғулотларига доир услубий маслаҳатлар, тавсиянамалар берилди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

ШТАБ ТУЗИЛДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг минтақаларида кўмир нархи ошиб, уни Ўзбекистонга юбориш тўхтаб қолди. Ана шу вазиятга боғлиқ равишда республикамиз халқ таълими муассасаларини кўмир билан таъминлаш ҳам мураккаблашди. Бу ҳолни эътиборга олиб; Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири қишки-кузги мавсумга пухта ҳозирлик кўриш мақсадида «Халқ таълими муассасаларига кўмир ва суюқ ёқилғини олиш ҳамда тарқатиш бўйича республика ва вилоят штабларини тузиш тўғрисида» буйруқ чиқарди.

Буйруққа кўра вазирлик қошида халқ таълими муассасаларига кўмир ва суюқ ёқилғини олиш ҳамда тарқатиш бўйича Республика штаби тузилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари М. С. Султонов штаб бошлиғи этиб тайинланди.

Республика штаби режа асосида иш юритиб, вилоятларда олинган кўмир ва суюқ ёқилғини тақсимот бўйича тарқатилишини ташкил этишга раҳбарлик қилади, ҳар ҳафтада вазирлик раҳбариятига ва тааллуқли бошқарув идораларига қилинган ишлар тўғрисида маълумот берди, ажратилган маблағларни ўз вақтида олинишини таъминлайди, вақти-вақти билан Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари раҳбарларининг тааллуқли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида халқ таълими муассасаларини кўмир билан таъминлашнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигига, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига кўмир ва суюқ ёқилғини олиш ҳамда тарқатиш бўйича вилоят штабларини тузиш топширилди. Жойлардаги бу штаблар кўмирни вагонларга ўз вақтида ортилишини таъминлашдан тортиб, тақсимотлар бўйича бевосита таълим муассасаларига етказиб беришгача бўлган жараённи изчил назорат қиладилар, бу ҳақда ҳар ҳафтада Республика штабига ахборот берадилар.

Олинган кўмирнинг тўғри сарфланишига барча даражадаги халқ таълими муассасаларининг раҳбарлари жавобгарлиги буйруқда алоҳида қайд этилган.

Шунингдек ҳужжатда вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқларига ва Қорақалпоғистон халқ таълими вазирига ўз маблағлари ҳисобига шу йилнинг 1 октябрига қадар Оҳангарон ва Шарғун кўмир конлари фондидан улар билан илгари тузилган шартномага мувофиқ кўмир олишни таъминлаш топширилди.

Бош таъминот бошқармаси (бошлиғи Б. М. Ҳамидов) зиммасига ҳар ҳафтада истеъмолчиларга ўз вақтида қанча кўмир жўнатилганлиги ва етказилгани борасидаги ишлар тўғрисида штабга маълумот бериб туриш юклатилди. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Республика штабига топширилди.

Кузги-қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўриш халқ таълими тармоқларидаги энг долзарб ва муҳим иш эканлигини ҳисобга олиб, таълим муассасаларини кўмир ва ёқилғи билан ўз вақтида таъминлашни жадаллаштириш зарур.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дастури ва режаси.

•

«Чизмачилик ўқитиш концепцияси» лойиҳаси.

•

Тақдир берган бахт.

•

Юлдузларга ўхшатгум сизни (бадиа).

Мустақиллик одимлари

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг шу йил 15 июлда вазирликлар раҳбарлари, Республика олий ўқув юртлари ректорлари, маориф ва олий таълим соҳаси мутасаддилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол мафкураси ва уни такомиллаштириш йўлидаги олий таълим тизимининг вазифалари муҳокама қилинди.

Мазкур масала юзасидан маруза қилган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. А. Абдуллаев амалга оширилган катта ишлар ва муаммолар хусусида батафсил тўхталди.

Ўзбекистон ҳукумати, шахсан республика Президентининг ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан қараётганлиги вазирлик зиммасига жиддий масъулият юклайди. Ёшлар ҳамда бўлажак мутахассисларни мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш усулларини яратиш муҳим вазифа. Таълимнинг магистр ва бакалаврлар тайёрлашга ихтисослашган янги концепцияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Уни янада такомиллаштириш зарур.

Тест синовлари яхши самаралар бермоқда. Натижада тест синовларини ўтказиш қонунлаштирилди ва давлат сиёсатига айлантирилди. Бу янгилик халқимиз томонидан ижобий баҳоланмоқда. Бошқа республикаларда ҳам бу янгилик ҳаётга кенг йўл олмоқда.

Олий таълим соҳасида бир қанча янгиликлар жорий қилинди. Жумладан, олий таълим концепциясини яратиш, олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши тўғрисидаги Низомнинг ишлаб чиқилиши, университет ва институтлар учун нашр этилаётган китоблар, қўлланма ва дарсликларни яратишда Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкураси, миллий сиёсат ҳамда уни давр талаби даражасига кўтаришни таъминлайдиган очиқ танловлар ўтказиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Назаров ўз нутқини миллий истиқлол масалаларига қаратди. Шунингдек, у талабаларнинг маънавий, маданий ва маърифий баркамоллигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, маънавият хусусида фикрлар билдирди. Олий ўқув юртларида Президентимиз И. А. Каримов китобларини ва бошқа муҳим ҳужжатларни атрофлича ўрганиш лозимлигини қайд қилди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар, шунингдек, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларига ва талабаларига мурожаат қабул қилинди.

Г. ПАРПИЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА ТАЛАБАЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Муҳтарам мураббийлар! Азиз ёш авлод!

Истиқболли келажакка интилаётган мустақил Ўзбекистонимиз тарихий янгиланиш даврини бошдан кечирмоқда. Давлатимиз мураббийларга, ўқитувчи-профессорларга, ёшларга катта умид боғламоқда. Уларнинг фидокорлиги туфайли Ўзбекистон жаҳонда муносиб обрў-эътиборга эга бўлмоқда.

Муқаддас истиқлол орзуларини амалга ошириш ва давлатимиз мустақиллиги бунёдкорлари сафида бўлиш — Сиз қадрли профессор-ўқитувчилар ва талабаларга ҳам насиб этди.

Ўзбекистон ўзининг буюк келажаги йўлида дастлабки тарихий қадамларни қўймоқда. Энди шу йўлда қатъият, ишонч ва сабот билан қадам ташлайлик. Бунинг учун қалбларимизни миллий ифтихор туйғуси билан тўлдирадиган, онгимизга ёруғлик бағишлайдиган, Она ватан манфаатлари йўлида фидойилигимизни, имонимизни мустаҳкамлайдиган буюк мақсад ва Истиқлол мафкураси зарур. Биз барча ватандошларимизни, касбдошларимизни, зиёлиларни, айниқса, ёшларимизни ана шу Муқаддас Истиқлол мафкурасини яратиш теварагида жипслашишга чақирамиз.

Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини тўлиқ қувватлаймиз. Истиқлол мафкурасини бунёд этиб уни такомиллаштириш ишида Сизни жонкуярлик билан қатнашишга даъват этамиз.

Мафкураси тоза, халқчил, мафкураси одил ва оқил бўлган давлатнинг, шубҳасиз юзи ҳам ёруғ бўлади. Отабоболарининг синовидан ўтган, илғор, тараққийпарвар инсоният тажрибаларига суянган мақсад ва ғоялар элнинг ўрни каби масалалар хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, анжуманда ижодкор ўқитувчилар ўз ларининг ўқитиш услублари, иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Анжуман сўнгида ўқитувчиларга бошланажак ўқув йилининг дастлабки машғулотларига доир услубий маслаҳатлар, тавсиянамалар берилди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

юрт бошини бирлаштириб туради, бизнинг мафкурамиз ҳам мана шундай йўналишда бўлади.

«Биз миллий мафкурани яратиш билан бирга олдимизга биз ким учун, қандай давлат қурямиз деган саволни кўндаланг қўяр эканмиз, ўзимизни ким билан таққослаётганимизга, капиталистик ёки монополистик, социалистик ёндашишлар йўқ бўлганига эътибор беришимиз зарур.

Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимлар, профессор-ўқитувчилар шу масалада фикр билдириши, йўлимизни янада аниқроқ белгилаб олишимизда ёрдам бериши даркор.

Айниқса, ўсиб келаётган авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Бунда олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлиши учун қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир». Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг бу фикрлари биз — олий мактаб ходимлари, олимлар, зиёлилар олдига шундай муҳим вазифалар қўядики, қўлни-қўлга бериб уларни ҳаётга жорий этмоқни шараф деб билмоғимиз керак.

Қадрли дўстлар!

Келажаги буюк Ўзбекистон давлатига муносиб хизмат қилишга қодир фарзанд бўлайлик. «Буюк давлатга буюк мутахассислар зарур» эканлиги ҳар дақиқа ёдимизда бўлмоғи керак. Миллий мустақиллик мафкурасини қўлга кирита бориб, «орқага қайтиш йўқ, йўл битта — олға бориш», деган шиор ҳаммамизнинг кундалик ишимиз мазмунига айлансин!

И. С. САИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ— ТАРТИБ ТАЯНЧИ

Ўзбек халқи ўз мустақил республикасини иқтисодий давлат ва ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг улкан дастурини муваффақиятли ҳаётга жорий этмоқда. Бу режаларни амалга ошириш жамиятда юз бераётган ижтимоий жараёнларни ҳуқуқий бошқаришга, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаб боришга, фуқароларни қонунларга қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Фуқароларда ҳуқуққа, қонун талабларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқдир.

Кишилардаги юксак ҳуқуқий онглилик, улардаги соф ахлоқ ҳаётнинг барча соҳаларида, унинг ижтимоий ва иқтисодий янгиланишида, ижтимоий муносабатларда намоён бўлади. Шу билан бирга жамият барча қатламларида, айниқса, камол топаётган авлодда давлат-ҳуқуқ кўринишларига бўлган қатъий қарашни, қонунларга, жамият қоидаларига ҳурмат туйғусини шакллантириш ғоят муҳимдир.

Ёшларда юксак фуқаролик туйғусини шакллантириш, уларни ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиялаш ўғил-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги, камчилик-нуқсонларга ва қонун бузилишларига муросасизлиги, халқ, жамият ва давлат манфаатларига жонкуярлик билан муносабатни ривожлантиришнинг амалий воситаларидан бири бўлиши керак.

Агар биз чиндан ҳам мустақил ҳуқуқий давлатни қуришни истар эканмиз, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш, бугунги кунда биринчи даражали дастур бўлиб қолади.

Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий тарбияни ташкил этишдаги эришган натижаларимизни баҳолашга танқидий муносабатни, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни қатъийлик билан бартараф этишни, долзарб муаммоларни изчил ҳал этишни талаб этади.

Ҳуқуқий тарбия ишларининг ижтимоий-профилактик йўналишларини кучайтириш, бу ишларни республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлидаги уюшқоқлик, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот интизомини мустаҳкамлаш вазифалари билан мустаҳкам боғланишини таъминлаш лозим. Кишиларни тўлқинлантираётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муаммолар бўйича тўғридан-тўғри ва очиқ-ойдин суҳбатлашиш, ўқув юртлари жамоаларида ва турар-жойларда тарбия бирлигига эришиш, кадрларнинг, биринчи навбатда, халқ таълими бошқарув идоралари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг ҳуқуқ умумтаълими бўйича тадбирларни амалга ошириш зарур. Ўқувчилар, ёшларга ҳуқуқий таълим ва тарбия беришни тубдан яхшилаш лозим.

Жамиятнинг барча аъзолари қонунчилик қоидаларини билган ва уларнинг тўғрилиги ҳамда зарурлигига чуқур ишонган, ўз ҳаётида уларга қатъий амал қилган тақдирдагина ҳуқуқий тарбия борасидаги вазифаларни ҳал этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Ўқувчиларни ахлоқий-ҳуқуқий тарбиялашнинг асосий ҳужжатлари бу — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кишилар ҳаёти ва халқ хўжалиги тармоқлари тараққиётнинг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши материаллари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика Президенти И. А. Каримовнинг Фармонлари, ҳукумат қарорларидир. Бу рўйхатдаги ҳужжатларда тинчликни сақлаш ва иқтисодий барқарорлик ҳамда халқ моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ҳаққоний кўрсатмалар, давлатимиз раҳбарлари нутқларидан келиб чиқувчи маслаҳат ва йўл-йўриқлар алоҳида ўрин тутади.

Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқни тарғиб этиш жараёнида, жамият ҳаётида ўз вазифаси ва тутган ўрнига кўра, турли-туман ташкилотлар ва муассасалар қатнашишлари лозим. Бироқ бунда ўқув юртлари алоҳида аҳамият касб этади. Жамият сиёсий тузуми ҳаракатининг самарадорлигини, демократиянинг барча шакллари моҳиятини тушунтириш мақсадида ҳуқуқий тарғибот ва тарбиянинг бутун имконият воситаларидан фойдаланиш зарур. Бунда халқнинг ўз-ўзини бошқаруви тобора кенгайиб боришига, Кенгашлар, касаба уюшмалари, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар фаоллашувига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларида мустаҳкамланган демократик принцип ва нормаларнинг амалга оширилишига, қонунчилик тўғрисида, маҳаллий бошқарув идоралари қарорлари ва уларнинг амалда қўлланиши ҳақида аҳолини хабардор этилишига, ҳар бир кишида конституцион бурчларини бажариш юксак масъулиятни, ўз меҳнатига, унинг сифати ва пировард натижасига, меҳнат интизомига сўзсиз амал қилишга онгли муносабатни шакллантириш муҳимлигини қайд этмоқ керак.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, биринчи навбатда давлат ҳокимиятининг бошқарув идораси сифатида халқ депутатлари Кенгашларига, уларнинг қонунчиликни назорат этиш, маъмурий ички-ликбозлик билан кураш, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш ва бошқа доимий комиссияларига тааллуқлидир.

Кенгашлар фаолиятининг ҳамма соҳасида депутатлар қатнашадилар. Халқ ноиблари Кенгашлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида уларнинг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги вазифалари ҳам белгилаб берилган. Бу вазифалар ташкилий, назорат, ҳуқуқий гуруҳларга бўлиниб, катта ваколатларни ҳам қамраб олади. Уларга ўз қарамоғидаги ҳудудларда бу ишларни мувофиқлаштириш, махсус ишлаб чиқилган режалар бўйича депутатлар таълим оладиган ҳуқуқий билимлар халқ университетлари, факультетларини ташкил этиш ҳуқуқи берилган.

(Давоми 3-бетда).

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳаётга!

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ, ИСТИҚБОЛ ПОЙДЕВОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 12 АВГУСТДАГИ «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ ТАЪЛИМ СИЕСАТИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИЛГАН ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМДИР.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг бош эксперти Муҳаммаджон ИСОМОВ шарҳи:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғрисида»ги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш чоралари ҳақида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат ва таълимий стандартлари мундарижаси, уларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш тартиблари Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқувчи Давлат комиссияси таркиби тасдиқланди. Давлат комиссияси зиммасига тузилаётган Давлат таълим стандартлари ривожланган мамлакатларнинг илғор иш тажрибаси, умуминсоний ва миллий қадриятлар мезонига қатъий мувофиқ бўлиши учун барча чора ва тадбирлар мажмуасини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Давлат комиссиясига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат комитети ранси, техника фанлари доктори, профессор Н. Р. Юсупбековга топширилди. Комиссия таркибига республикамизнинг таниқли олимлари, маданият ва санъат арбоблари, ўқитувчилар ва тарбиячилар, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий аттестация комиссияси Болалар жамғармаси, Улуғбек жамғармаси, Тадбиркорлар уюшмаси раҳбарлари, ота-оналар комитетларининг вакилларни киритилди.

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш билан боғлиқ кенг кўламли барча тадбирларни босқичма-босқич, 1993 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Қарорда, шунингдек, таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисидаги давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта тузиш ва бекор қилиш тартиблари тўғрисидаги, Давлат таълим муассасаларида педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомлар ҳам тасдиқланди.

Тасдиқланган Низомга биноан Ўзбекистондаги барча таълим муассасаларини 1993—1996-йилларда аттестациядан ўтказиш кўзда тутилади. Республика таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш графиги уч ой муддат ичида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча Давлат таълим муассасалари қарорга биноан вақтинчалик аккредитациядан ўтган деб ҳисобланадилар.

Халқ таълими вазирлигига 1998—1999 ўқув йилида янги таълим тизимига ўтиш тўлиқ тугаллангунича III босқич умумтаълим мактабларининг ихтисослаштирилмаган синфларига ўқувчиларни танловсиз қабул қилиш учун рухсат берилади.

Қарорда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига Статистика Давлат комитети ва Меҳнат вазирлиги билан ҳамкорликда 1994 йил 1 январгача оммавий ишчи касбларига ёшларни тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди. Бунда Ўзбекистон учун анъанавий ҳисобланган халқ усталари ва ҳунармандлари тайёрлаш кенг қулоч ёйдирилишига алоҳида эътибор бериш назарда тутилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг, хусусан, педагогларнинг август кенгашлари арафасида қабул қилинганлиги муҳим амалий аҳамиятга моликдир. Қарор ҳар бир педагог таълим ислоҳотини амалга оширишда бевосита иштирок этиши, иждоний-илмий, ташкилотчилик салоҳиятини тўлиқ намоён қилиши учун кенг имконият яратиб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ, УНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мамлакатда асосий умумий таълим дастурлари мундарижасининг мажбурий минимумини, таълим олувчилар максимал ўқув машғулотлари ҳажмини, битирувчиларни тайёрлаш мезонини аниқловчи Давлат таълим стандартлари белгиланади.

2. Талаб қилинган даража ва йўналишдаги таълим мундарижаси таълим дастури белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида умумий таълим ва ҳунар таълими дастурлари амалга оширилади.

Умумий таълим дастурлари шахснинг умумий билимлари ва маданиятини шакллантириш, жамиятда яшашга тайёрлаш, ҳунар эгаллашга қаратилган.

Ҳунар таълими дастурлари ҳунар ва умумий таълим даражасини ошириб бориш, ихтисосликка мувофиқ мутахассисларни тайёрлаш вазифаларини ҳал этишга қаратилган.

3. Таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар асосий таълим дастурларини тайёрлайдилар ва уларни илова қилинаётган Давлат таълим стандартларини босқичма-босқич жорий этиш тартибларига мувофиқ амалга оширадилар.

4. Давлат таълими стандартлари қуйидаги асосий таълим дастурлари учун белгиланади:

— мактабгача таълим;

— умумий таълим: бошланғич, таянч, асосий;

— мактабдан ташқари таълим;

— ҳунар-техника таълими;

— ўрта махсус таълим;

— олий таълим;

— олий ўқув юртидан сўнгги касбий таълим (илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш);

— кадрлар касбий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

5. Давлат таълим стандартлари бошқа (янги) таълим дастурлари бўйича иш олиб борувчи муассасаларда Давлат таълим стандартлари жорий қилинган муассасаларга нисбатан 5 йил кейин қўлланилади.

6. Давлат таълим стандартларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузиладиган таълим стандартларини ишлаб чиқиш Давлат комиссияси, унинг ишчи гуруҳлари, умумий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар тайёрлайдилар.

7. Давлат таълим стандартлари лойиҳалари кенг муҳокама қилинади ва муҳокама якунига кўра, Давлат комиссияси томонидан тўлдирилиб охирига етказилади.

8. Давлат таълим стандартлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

9. Давлат таълим стандартлари танлов асосида камида 10 йилда бир марта қайта кўриб чиқилади. Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан эълон қилинади.

10. Давлат таълим стандартлари битирувчиларнинг қандай таълим олишидан қатъи назар, билими ва ихтисослиги даражасини объектив баҳолаш учун асос ҳисобланади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯ ВА АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

I. бўлим. АТТЕСТАЦИЯ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом барча даражадаги таълим муассасаларида, маъмурий бўйсиниши ва мулкий шаклидан қатъи назар, аттестация ўтказишнинг асосий нормалари, принциплари, ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини белгилайди.

2. Аттестация Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, таълим муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи мазкур Низом ва ҳужжатлар асосида ўтказилади.

3. Аттестация таълим дастурларини амалга ошириш натижалари муайян таълим муассасасининг таълим стандартлари ва нормативларда белгиланган имкониятларига нечоғлиқ мувофиқ эканлигини кўрсатувчи ҳужжатдир.*

4. Таълим муассасаси аттестацияси қуйидаги мақсадда ўтказилади:

— унинг мақомини белгилаш;

— унга янги мақом (гимназия, лицей, коллеж, институт, университет ва б.) бериш;

— давлат аккредитациясидан ўтказиш;

— таълим фаолиятини давом эттириш учун амалдаги лицензия муддатини узайтириш;

5. Таълим муассасаларида аттестация ўтказишга умумий ташкилий-методик раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалга оширадилар. Улар зиммасига тегишли таълим муассасаларида аттестацияни ўтказиш учун зарур бўлган дастурлар ва тааллуқли методик материалларни ишлаб чиқиш юклатилади.

II. АТТЕСТАЦИЯ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1. Давлат таълим муассасаларида аттестация вақтвақти билан, қоидага кўра, беш йилда камида бир марта, тегишли таълим бошқармаси органи тасдиқлаган график бўйича ёки таълим муассасасининг ташаббусига кўра, ўтказилади. Бу ҳақда таълим муассасаси ўз аризасида баён этади.

* Давлат таълим стандартларини жорий этгунга қадар таълим муассасаларининг аттестация ва давлат аккредитацияси мавжуд норматив ҳужжатлар асосида (малакага оид тавсифномалар, ўқув режаси, дастурлар ва б.) асосида амалга оширилади.

2. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасасида аттестация мазкур муассасага тегишли лицензияни берган таълим бошқармаси органига юборилган аризаси асосида ўтказилади.

3. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларининг аттестациясини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкил этадилар.

Педагогик, ҳунар-техника, умумтаълим ўқув юртлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, республика тасарруфидаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида аттестация Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади. Маҳаллий тасаруфдаги таълим муассасаларида аттестацияни жойлардаги таълим бошқармалари органлари ўтказадилар.

Айрим ҳолларда маҳаллий аҳамиятга молик умумий таълим муассасаси аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Таълим муассасалари комплекслари аттестациясини Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги биргаликда тузган эксперт гуруҳлари ўтказади.

Олий таълимдан кейинги таълим муассасалари аттестациясини Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси ўтказади.

4. Аттестация ўтказиш учун таълим бошқармалари органлари малакали мутахассис экспертлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, таълим корхоналари, бошқарув идоралари ва муассасалар, бошқа вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат эксперт гуруҳлари тузадилар.

Зарур бўлган тақдирда эксперт комиссиясига бошқа давлатлардан мутахассислар жалб этилади.

Эксперт гуруҳи таркиби, унинг раиси тегишли таълим бошқармаси органи буйруғи билан тасдиқланади.

5. Таълим муассасасида аттестация ишининг муддати 20 кундан ошмаслиги керак.

6. Эксперт гуруҳи таълим муассасасидаги ишларининг якуни бўйича талабалар, ўқувчилар, болаларнинг таълим даражаси, касб тайёргарлиги ҳақида, муассаса мақомига кадрларнинг, ўқув-методика ва моддий-техника имкониятларининг, илмий-тадқиқот, тарбиявий, ишлаб чиқариш, халқаро, маъмурий-хўжалик, ижтимоий-маиший ва бошқа фаолияти аҳволининг мувофиқлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

7. Эксперт гуруҳи хулосасига кўра таълим бошқармаси органи тегишли қарор (буйруқ) чиқаради ва шунга асосан таълим муассасаси:

— аттестация қилинди;

— шартли аттестация қилинди (белгиланган муддат ичида қайта аттестация қилинади);

— аттестация қилинмади деб баҳоланади.

8. Таълим муассасаси:

— агар мазкур таълим муассасаси тўғрисидаги Низомда белгиланган вазифалар қониқарли ҳал этилаётган бўлса, таълим олаётган ўқувчиларнинг билим даражалари таълим давлат стандартига мувофиқ келса, ўқув-методик, кадрлар, илмий-тадқиқот ва моддий-техника имкониятлари муассасанинг мақомига жавоб бераолса, аттестация қилинди деб;

— агар мазкур таълим муассасаси тўғрисидаги Низомда белгиланган вазифалар тўлиқ ҳал этилмаган ва мавжуд камчиликлар ўз жойида ўз кучлари билан ёки юқори таълим бошқармаси органлари, тааллуқли идоралар, таянч корхоналар, таъсисчилар ёрдамида амалий тадбирларни амалга ошириш ҳисобига қисқа муддатларда бартараф этилиши мумкин бўлса, шартли аттестация қилинди деб;

— агар мазкур таълим муассасаси, тўғрисидаги Низомда белгиланган асосий вазифалар қониқарсиз ҳал этилаётган бўлса, таълим олаётган ўқувчиларнинг билим даражаси давлат таълим стандартлари талабларидан паст бўлса, ўқув методик, кадрлар, илмий-тадқиқот, моддий-техника имкониятлари муассасанинг мақомига жавоб беролмаса, аттестация қилинмади деб эътироф этилади.

9. Агар таълим муассасаси аттестация қилинмади деб баҳоланса,* қарорга (буйруққа) қуйидаги қарорларнинг бири:

— қайта ташкил этиш ёки мақомини пасайтириш тўғрисида;

— таълим фаолиятини қисман ёки тўла тўхтатиш тўғрисида;

* ишдан озод бўлиб қолган ходимларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишга жойлаштириш, талаба ва ўқувчиларни эса бошқа турдош ихтисос (касб)даги ўқув юртларига ўтказиш чоралари кўрилади.

— аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида;

— лицензияни бекор қилиш тўғрисида;

— лицензия муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисида қайд этилади.

10. Қарор (буйруқ)да белгиланган кўрсатмалардан келиб чиқиб аттестациядан ўта олмаган таълим муассасаси тегишли бўлган таълим бошқарув органи умумий тартибга кўра кўрсатилган муддатда мазкур қарорни амалга оширишга масъулдир.

11. Таълим муассасасида ўтказиладиган аттестация ишлари муассаса ариза берган кундан ёки таълим бошқарув органи белгилаган кундан эътиборан икки ой муддат ичида тамомланиши лозим.

12. Таълим муассасаси раҳбарлари ёки унинг муассислари аттестация натижаси асосида юқори таълим бошқарув органига шикоят қилишлари мумкин. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари эса судга ҳам мурожаат этишлари мумкин.

13. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасасида ўтказиладиган аттестация сарф-ҳаражатлари аттестация қилинаётган муассаса ёки унинг муассиси ҳисобидан тўланади.

II. бўлим. АККРЕДИТАЦИЯ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом таълим муассасаларида, унинг қайси идорага қарашлилиги ёки шахсий шаклларидан қатъи назар, Давлат аккредитациясининг мақсади, асосий қонун-қоидалари ва тартибини белгилайди.

2. Давлат аккредитацияси таълим муассасаси битирувчиларининг таълимий тайёргарлик даражаси ва сифатининг маълум ихтисосдаги муассасалар учун Давлат таълим стандартларининг талаблари ва мезонларига мувофиқлигини эътироф этувчи ҳужжатдир.

3. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида Давлат аккредитацияси ўқув юрти ихтисосига қараб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Педагогик, ҳунар-техника, умумий таълим, мактабдан ташқари муассасаларда, республика тасарруфида бўлган педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида Давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий аттестация комиссияси ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан, маҳаллий тасарруфда бўлган муассасаларда эса таълимнинг маҳаллий бошқарув идоралари томонидан ўтказилади.

Олий таълимдан кейинги таълим тайёргарлигини олиб борувчи муассасаларда давлат аккредитациясини Фан ва техника Давлат қўмитаси ўтказади.

4. Давлат аккредитацияси таълим муассасаларида маълум ихтисос ва мақомдаги муассасалар учун таълимнинг давлат стандартлари билан мувофиқ келадиган таълим даражасининг мажбурий кафолатини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

5. Давлат аккредитациясининг асосий принципи унга давлат манфаатини кўзлаб ёндашиш, ҳаққонийлик ва вақт-вақтида ўтказиб туришдир.

II. АККРЕДИТАЦИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Давлат аккредитацияси таълим муассасасининг аризаси ва муассаса аттестацияси якуни бўйича хулосалар асосида амалга оширилади.

2. Аккредитация ҳақидаги қарор тегишли таълим бошқармаси органи ҳайъати (кенгаши)нинг қарори (буйруғи) билан тасдиқланади.

3. Таълим бошқармаси органи ҳайъати (кенгаши) аттестация якунлари бўйича хулоса асосида қуйидаги қарорларни қабул қилади:

— таълим муассасасининг мақомини тасдиқлаш ёки талаб этилган мақомни белгилаш ва унга давлат аккредитацияси тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

— таълим муассасасини аккредитация мақомидан маҳрум этиш ёки унга талаб этилган мақомни беришни рад этиш тўғрисида.

4. Аккредитация беришни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан 1 бўлимнинг 12-бандида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

5. Аккредитациядан ўтган таълим муассасаси ўз битирувчиларига таълим ҳақидаги тасдиқланган давлат ҳужжатини бериш ҳуқуқига эга бўлади.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Давлат олий ва ўрта махсус ўқув юртини ташкил этиш, маъмурий бўйсунишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти, вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар дастлабки хулоса олиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, педагогика ихтисосидаги ўқув юртлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига расмий илтимоснома йўллайдилар.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ташкил этиш ҳақидаги расмий илтимосномада:

— ташкил этиладиган олий ва ўрта махсус ўқув юрти мутахассислиги бўйича кадрлар талаб этилиши ва уларни ишга жойлаштириш имконияти;

— ташкил этиладиган олий ёки ўрта махсус ўқув юртининг амалдаги қайдномаларга биноан моддий-техника ва ўқув лаборатория базаси;

— ўқув ишларига жалб этилиши мумкин бўлган педагогик кадрлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тақдим этилган материалларни экспертизадан ўтказади ва уни очиш ҳамда ташкил этилаётган давлат ўқув муассасасига тегишли мақом (университет, институт, коллеж ва бошқа) бериш имконияти ҳақидаги хулосани чиқаради. Хулоса кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

в) Вазирлар Маҳкамаси ташкил этилган материалларни ўрганиб чиққанидан кейин давлат олий ёки ўрта махсус ўқув юртини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

2. Давлат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари филиалларини ташкил этиш олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ташкил этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Давлат малака ошириш таълим муассасаларини ташкил этиш:

— олий ўқув юртлари қошидаги, шунингдек, тўғридан-тўғри республика вазирликлари ва идораларига бўйсунадиган малака ошириш институтлари ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан, тааллуқли ҳолларда эса Халқ таълими вазирлиги билан келишилган тарзда вазирликлар ва идоралар тавсияларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

— олий ўқув юртлари таркибига кирувчи малака ошириш факультетлари, шунингдек, уларга тўғридан-тўғри бўйсунадиган курслар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан, тааллуқли ҳолларда эса Халқ таълими вазирлиги билан келишилган тарзда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари қарори билан амалга оширилади.

4. Республика ва маҳаллий органларга бўйсунувчи давлат умумий таълим, мактабдан ташқари, ҳунар ва бошқа таълим муассасаларини ташкил этиш:

а) ҳунар билим юртлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан;

б) мактаб-интернат, турли кўринишдаги болалар уйлари, лицейлар, мактабдан ташқари муассасалар ва республика аҳамиятига молик бошқа таълим муассасалари тааллуқли тарзда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан;

в) Республика (Қорақалпоғистон)га бўйсунувчи барча кўринишдаги ўқув муассасалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан;

г) вилоят, шаҳар, туманга бўйсунувчи барча турдаги ўқув юртлари (ҳунар билим юртларидан ташқари) вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари томонидан амалга оширилади.

5. Давлат таълим муассасаларини қайта ташкил этиш (қўшиш, бирлаштириш, ажратиш, бўлиш) ва уларни тугатиш тегишли таълим муассасаларини ташкил этиш учун белгиланган тартибларда амалга оширилади.

6. Давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида давлат статистика органларига, шунингдек, меҳнат органларига маълум қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Республика Олий Мажлиси Раёсатининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги 590-сон «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорларига асосан Республика давлат таълими муассасаларида педагог ходимларнинг аттестацияси ўтказилади.

2. Аттестация таълим муассасаларида, шунингдек, педагог ходимларнинг касбкор сифатлари ва меҳнатларининг якуний натижасини баҳолаш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

3. Ҳамма типдаги умумтаълим мактабларида, ҳунар билим юртларида ва ўрта махсус ўқув юртларида педагог ходимлар билан битим (контракт) тузиш (узайтириш), ҳамда уларнинг меҳнатига ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлашда аттестация натижалари методик бирлашманинг фикрлари билан бир қаторда инобатга олинади.

II. АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТАДИГАН ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР ВА УЛАР УЧУН МАЛАКА ТОИФАЛАРИ

Аттестациядан қуйидаги педагог ходимлар ўтишади:

1-гуруҳ — барча типдаги умумтаълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, кечки мактаблар, катталар таълими марказлари ва бошқа муассасалар ўқитувчилари, тарбиячилари, дефектолог ва логопедлари; ҳунар билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари (колледжлар) педагоглари, тарбиячилари, концертмейстрлари.

Мазкур гуруҳ педагогларига иш ҳақи тўлашни табақалаштириш учун ягона тариф сеткаси бўйича малака тоифалари ва разрядлари киритилади:

олий тоифадаги ўқитувчи (тарбиячи) — (9 разряд);

биринчи тоифадаги ўқитувчи (тарбиячи) — (8 разряд);

иккинчи тоифадаги ўқитувчи (тарбиячи) — (7 разряд);

ўқитувчи (тарбиячи):

олий маълумотли — 6 разряд;

ўрта махсус маълумотли — 5 разряд;

2-гуруҳ — ҳунар билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактабларо ишлаб чиқариш комбинатлари ишлаб чиқариш усталари.

Мазкур гуруҳ педагогларига иш ҳақи тўлашни табақалаштириш учун учта малака тоифаси киритилади:

биринчи тоифадаги ишлаб чиқариш устаси (8 разряд);

иккинчи тоифадаги ишлаб чиқариш устаси (7 разряд);

ишлаб чиқариш устаси (6 разряд);

3-гуруҳ — мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари, мусиқа раҳбарлари.

Мазкур гуруҳ педагогларига иш ҳақи тўлашни табақалаштириш учун тўртта малака тоифаси киритилади:

мактабгача тарбия муассасаларининг олий тоифадаги тарбиячиси (мусиқа раҳбари) — (9 разряд);

мактабгача тарбия муассасасининг биринчи тоифадаги тарбиячиси (мусиқа раҳбари) — (8 разряд);

мактабгача тарбия муассасасининг иккинчи тоифадаги тарбиячиси (мусиқа раҳбари) — (7 разряд);

мактабгача тарбия муассасасининг тарбиячиси (мусиқа раҳбари):

олий маълумотли — 6 разряд;

ўрта махсус маълумотли — 5 разряд;

ўрта махсус маълумоти бўлмаса — 4 разряд;

4-гуруҳ — барча типдаги умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлари, болалар уйлари катта вожатийлари, жисмоний тарбия бўйича инструкторлари.

Мазкур гуруҳ педагогларига иш ҳақи тўлашни табақалаштириш учун учта малака тоифаси киритилади:

биринчи тоифадаги катта вожатий (инструктор) — (7 разряд);

иккинчи тоифадаги катта вожатий (инструктор) — (6 разряд);

катта вожатий (инструктор):

олий маълумотли — 5 разряд;

ўрта махсус маълумоти ли — 4 разряд;

ўрта махсус маълумотли бўлмаса — 4 разряд;

5-гуруҳ — туман (шаҳар) методкабинетлари, халқ таълими бўлимлари, малака ошириш институтлари, мактабгача ва мактабдан ташқари давлат муассасалари методистлари (тарбиячи-методистлари).

Мазкур гуруҳ педагогларининг иш ҳақи тўлашни табақалаштириш учун тўртта малака тоифаси киритилади:

олий тоифадаги методист (тарбиячи-методист) — (9 разряд);

биринчи тоифадаги методист (тарбиячи-методист) — (8 разряд);

иккинчи тоифадаги методист (тарбиячи-методист) — (7 разряд);

методист (тарбиячи-методист):

олий маълумотли — 6 разряд;

ўрта махсус маълумотли — 5 разряд;

6-гуруҳ — мактабдан ташқари давлат муассасаларининг (секция, клуб, ўқувчиларнинг бошқа бирлашмалари) тўгарак раҳбарлари.

Мазкур гуруҳ педагогларини иш ҳақини табақалаштириш учун учта малака тоифаси киритилади:

биринчи тоифадаги тўгарак раҳбари (7 разряд);

иккинчи тоифадаги тўгарак раҳбари (6 разряд);

тўгарак раҳбари;

олий маълумотли — 5 разряд;

ўрта махсус маълумотли — 4 разряд;

ўрта махсус маълумоти бўлмаса — 4 разряд;

(Давоми 3-бетда).

Мустақиллик одимлари

ЙЎЛИМИЗ ФАҚАТ ЎЗИМИЗНИКИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ПРОРЕКТОРИ, ТАНИҚЛИ ОЛИМ ЕРҚИН АБДУЛЛАЕВ БИЛАН СУҲБАТ



— Ерқин Абдуллаевич, Мустақиллигимизнинг биринчи йили, гарчи қийинчиликлар мавжуд бўлса-да, Президентимиз Ислом Каримов олий ўқув юртлари тузилишига жиддий ислоҳлар киритди, қатор ихтисосликлар бўйича янги олий ўқув юртлари юзага келди. Шундай билим даргоҳларидан бири Молия институтидир. Институтни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад юзага чиқмоқдами!

— Маълумки, тўқсонинчи йилга қадар иқтисодчи мутахассисларни, шу жумладан, молия-кредит ва ҳисобчиларни тайёрлаш асосан Тошкент халқ хўжалиги институти зиммасига юклатилган эди. Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан молия-кредит соҳасидаги мутахассисларга бўлган эҳтиёж ниҳоят даражада ошиб бораётир. Шу сабабли Президентимизнинг махсус Фармони билан Молия институти ташкил этилди. Ўтган икки йил давомида институт ўзининг моддий базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар таркибини яхшилаш борасида бирмунча ишларни амалга оширди. Жумладан, қисқа муддат ичида институтимизда саккизта компьютер хоналари барпо этилди. Олтита аудитория ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозланди. Ўқитилаётган ҳар бир фан бўйича етарли даражада кўргазмали қуроллар яратилди. Институт қошида ўнинчи синфдан бошлаб иккита лицей гуруҳи очилди ва бу лицейлар ҳозирча тўққизинчи ҳамда уч юз олтинчи мактабларда жойлашган бўлиб, иқтисодчиларни тайёрлаш ўқув режаси бўйича ёшларга билим берилаётир. Институт ташкил қилиниши биланоқ бакалавр-иқтисодчи ўқув режаси ишлаб чиқилди ва шу асосда мутахассислар тайёрлана бошланди. Бизнинг институт молия-кредит ихтисосчилари ва ҳисобчиларни тайёрлаш бўйича ўқув режаларини тузиш учун мутасадди олий ўқув юрти бўлиб ҳисобланади. Вазирлик қошидаги ўқув услубий бирлашмани ҳам бизнинг институтимиз бошқаради. Бу бирлашманинг раиси этиб ректоримиз Мурод Шарифхўжаев тайинланган.

— Албатта, институт республика доирасидаги фаолият билан чекланиб қолмаётган бўлса керак, чунки бугунги кунда хориждаги иқтисодиётчилар, уларнинг иш тажрибаси, усули шубҳасиз Сизларни қизиқтиради. Бундай дейишимга сабаб — ёш давлатимиз Мустақилликнинг ўзига хос йўлидан бораётир. Айтинг-чи, Молия институти чет мамлакатлардаги қайси олий ўқув юртлари билан алоқа ўрнатмоқда, бу борадаги ҳамкорлик қандай самаралар бераяпти!

— Бугунги кунда қирқ нафар талабамиз Туркиянинг турли университетларида таълим олмоқда. Ўтган йили институтимизнинг етакчи профессорларидан тўрт киши икки ой мобайнида Туркиянинг бозорга ўтиш модели бўйича тажрибаларини ўрганиб келишди, унинг самараси сифатида «Туркия модели: ютуқлар ва муаммолар» деган рисола юзага келдики, бугунги кунда у жуда қимматли аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизнинг эртанги кунини белгилашда сиёсатчилар қатори иқтисодчи-молиячиларнинг ҳам хизмати бўлиши табиий. Яна шуни айтиш жоизки, Туркиянинг ўн етти университетида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Институтимизнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича етакчи доцентларидан тўрт киши Англиянинг энг йирик банкларида икки ой мобайнида тажриба ўрганиб, ўз малакаларини ошириб қайтишди. Худди шунингдек, молия-кредит соҳаси бўйича сакқизта олимимиз Олмониядаги «Дойч» банкида тажриба алмашишди. Айни шу кунларда яна ўн нафар олимимиз инвестиция муаммолари бўйича тажриба алмашиш учун Америка Қўшма Штатларига боришга ҳозирлик кўришмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз чет элдаги йирик иқтисодиёт университетлари, корхона ва банкларнинг замонавий тажрибасини ўзлаштириш мақсадида мунтазам равишда уларнинг вакилларини институтимизга таклиф этмоқдамиз. Масалан, ўтган йили Англиянинг, бу йил эса Олмониянинг энг йирик банклари мутахассилари институтимизда молия-кредит муаммоси бўйича махсус семинарлар ўтказишди. Бу каби тажриба алмашишлар ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда.

— Мавриди келганда шуни ҳам айтиш керакки, барча соҳаларда битта етук мезон бор, у ҳам бўлса, жаҳон талаблари даражасидир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида шундай муаммолар туғилмоқдаки, уларнинг ечими иқтисодчиларимиз фаолиятигагина боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ерқин Абдуллаевич, жаҳон тажрибасида Мустақиллик йўлини бизнинг мамлакат каби тутган давлатлар бўлганми! Президентимиз тутаётган сиёсатнинг уларникидан афзал жиҳатлари нималарда кўринади!

— Жаҳон тарихида мустақилликка ҳар бир халқ ва давлат ўзига хос йўлдан бориб эришган. Лекин шу ҳақиқат мавжудки, жуда кўп мамлакатлар қуррият йўлида беҳисоб қурбонлар беришган, унинг эвазига ўз эркини қўлга киритган. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тутган йўлнинг энг ибратли томони шундаки, мустақилликка эришиш даврида оқил йўл тутиб, халқларни бирлаштирди, авлодларнинг асрлар давомида жамланиб қолган орзуларини рўёбга чиқарди.

Халқимизда бир ҳикматли гап бор: бош омон бўлса, дўппи топилади. Худога шукр-ки, бошимиз омон, юртимиз тинч, ҳар бир оила осойишта кун кечирмоқда. Агар шу тинчлик, осойишталик бўлмаганида ҳозир биз иқтисодиёт ҳақида суҳбатлашиб ўтирмаган бўлардик!

Президентимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш принципини жуда аниқ белгилаб берган. Шу принциплардан бири иқтисодиётни сиёсатдан устун билишдир. Зеро, муайян бир халқ ўз мустақиллигига эришар экан, мана шу буюк тушунчанинг ўзи мамлакат аҳолисини битта мақсад атрофига бирлаштиради. Мустақиллик йўлидаги бизнинг заҳматларимиз табиий равишда турмушимизни яхшилаб боради. Аммо ҳисоб-китоб, иқтисодиёт масаласи етакчи ўринни тутади. Буни тан олмаслик мумкин эмас.

Шу маънода иқтисодиёт ҳам таркибан иккига бўлинади: мамлакатнинг ички иқтисодиёти ва ташқи олам билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт. Умумий қонуниятлар ҳамиша ташқи олам билан боғлиқ бўлган иқтисодиётга итоат этади.

— Айни кунларда биз Мустақиллигимизнинг икки йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётирмиз. Иқтисодчи олим сифатида Сизнинг тақдирингизда Мустақиллик қандай ўрин тутди!

— Менинг тақдиримда Мустақиллик кўп жиҳатдан ижобий ўрин тутади. Хусусан, зиммамдаги масъулиятни бир неча баробар ошириди. Айниқса, Туркиядаги хизмат сафаридан кейин илм-маърифат соҳасидаги мавжуд муаммоларга бўлган нуқтаи назарим анча ўзгарди. Улардаги кўп поғонали ўқитиш усулидан фойдаланиш, ўқитишнинг илғор методларини жорий этиш ва жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш каби масалалар биз — олимлар олдида турган масъулиятли вазифалардир. Менинг юрагимда қуйидаги фикрлар борлигини айтмасдан иложим йўқ — хусусан, талабаларни жаҳон талабларига жавоб берувчи дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда адабиётлар билан мунтазам таъминлаб бориш, баҳс ва мунозара усулида дарсларни йўлга қўйиш, ёшларнинг дунёқараши ҳар томонлама юксалишига фаол хизмат қилади.

Мамадали ЭРОНОВ,
журналист.

ЗАМОНАВИЙ ФАН



Республика Халқ таълими вазирлиги буйруғига биноан янги ўқув йилидан бошлаб «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсининг 8-синф ўқув дастурига киритилиши қисқа муддат ичида бу фандан дарслик ҳамда дастур яратишни тақозо этди. Т. Ҳайдаров бошчилик қилаётган Республика информатика ўқитувчилари ва мутахассислари «Истиқбол» уюшмаси орқали мазкур дарсликни 1 сентябргача республика мактаблари информатика ўқитувчилари қўлига етказиб беришни мўлжаллаяптилар.

Яқинда республика ўқув-методика марказида бўлиб ўтган анжуманнинг кун тартибида ана шу дарслик бўйича лекторлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг муаллифлар билан учрашуви ва ёзги «Ёш информатиклар мактаби»нинг ташкил этилиши каби масалалар асосий ўрин эгаллади.

Ёш информатиклар бир ҳафта давомида олимлар билан учрашдилар, компьютерларда амалий машғулотлар ўтказиб, маданий ҳордиқ чиқардилар. Вилоятлардан келган шу фан ўқитувчилари эса ҳафта давомида янги дарслик бўйича лекторлик курсида маърузалар тинглашиб дарслик муаллифлари билан учрашдилар.

М. НАЗАРОВА,
Республика ўқув-методика маркази методисти.

Суратда: анжумандан лавҳа.

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ, ИСТИҚБОЛ ПОЙДЕВОРИ

(Боши 2-бетда).

ўрта махсус маълумоти бўлмаса — 4 разряд;

7-гуруҳ — руҳшунослар, ижтимоий педагоглар, педагог ташкилотчилар.

Мазкур гуруҳ педагогларининг иш ҳақини табақалаштириш учун тўртта малака тоифаси киритилади:

олий тоифадаги руҳшунос (ижтимоий педагог, педагог-ташкилотчи) (9 разряд);

биринчи тоифадаги руҳшунос (ижтимоий педагог, педагог-ташкилотчи) (8 разряд);

иккинчи тоифадаги руҳшунос (ижтимоий педагог, педагог-ташкилотчи) (7 разряд);

руҳшунос (ижтимоий педагог, педагог-ташкилотчи):

олий маълумотли — 6 разряд;

ўрта махсус маълумотли — 5 разряд;

ўрта махсус маълумоти бўлмаса — 4 разряд;

III. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

1. Мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалаар педагог ходимларининг аттестацияси даврий равишда, уч йилда бир марта ўтказилади.

2. Аттестациядан ўтаётган мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар педагог ходимлари аттестация комиссиясига муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган ўзининг иш жадвалини (тарбиячилар, тўгарак раҳбарлари машғулот жадвалини) тавсия этадилар. Жадвалга ўзгартиришлар киритилса, ходим бу ҳақда аттестация комиссиясига маълум қилади.

3. Аттестация комиссияси экспертлари ўқув-тарбиявий машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш вақтини ходимга маълум этиши шарт эмас.

4. Мутахассислиги бўйича илмий назарий ва методик жиҳатдан тайёргарлиги бўшлиги натижасида зиммаларига юкланган вазифаларни эплай олмаган мактабгача ва мактабдан ташқари муассасасалар педагог ходимлари, агар бу нарса ҳаққоний маълумотлар билан тасдиқланса, у ҳолда муҳлатидан олдин аттестациядан ўтишлари мумкин. Навбатдан ташқари аттестация ўтказиш ҳақида ўқув-тарбия муассасаси маъмуриятқ ёки халқ таълими бошқаруви шўъбаси касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда қарор қабул қилади.

5. Иш жараёнида аттестациягача бўлган даврга нисбатан юқори натижаларга эришган мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар педагог ходимлари, агар бу нарса ҳаққоний маълумотлар билан тасдиқланса, кейинги тоифа ва даражани олиш учун навбатдан ташқари аттестациядан ўтишлари мумкин. Юқорида зикр этилган шўъбалар ва муассасалар, шунингдек, педагог ходимларнинг ўзлари шундай аттестацияни ўтказиш ташаббускорлари бўлишлари мумкин.

Мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар педагог ходимларининг навбатдан ташқари аттестацияси навбатдаги аттестациядан сўнг камида бир йил ўтгач ўтказилади.

Навбатдан ташқари аттестациядан ўтган педагог ходим навбатдаги аттестациядан озод этилмайди.

6. Барча типдаги умумтаълим мактабларида, ҳунар билим юртларида ва ўрта махсус ўқув юртларида аттестация даврий равишда, 5 йилда бир марта ўтказилади.

7. Аттестация давомида педагог ходимнинг битим (контракт) муддати давомидаги фаолияти ҳар томонлама таҳлил этилади. Омилкорлиги, педагог маҳорати, меҳнатининг маҳсулдорлиги баҳоланади.

Аттестация ўтказишда педагогнинг ўқувчилар, ҳамкасблари ва ота-оналар ўртасида бўлган ҳурмати, муассаса маъмурияти ва меҳнат жамоасининг фикри, ходимнинг методик ва эксперимент тажриба ишларидаги иштироки, изланишлари ҳисобга олиниши мумкин.

8. Ўриндошлик бўйича ўқитувчилик фаолиятини олиб бораётган — таълим муассасалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари педагог ходим сифатида туман (шаҳар) ҳалқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган эксперт комиссиялари, ўрта махсус ўқув юртларида эса ўқув юрти аттестация комиссияларида аттестациядан ўтадилар.

Таълим давлат муассасаларида ишга жалб этилган халқ хўжалиги мутахассислари, жумладан, халқ таълими шўъбалари ходимлари белгиланган тартибда, ўринбосдлик бўйича ишлаётган жойларида аттестациядан ўтадилар.

9. Республика халқ таълими тизимидаги давлат муассасалари шифокорлари, ўрта тиббиёт ходимлари, белгиланган тартибда, соғлиқни сақлаш бўлимларида аттестациядан ўтадилар.

10. Узоқ муддат даволанишда бўлган, шунингдек, ҳомиладорлиги ва туққанлиги бўйича таътилда бўлган аёллар аттестацияси улар ишга чиққандан кейин камида бир йил ўтгандан сўнг ўтказилади.

11. Ёш мутахассисларнинг аттестацияси улар билан битим (контракт) тузилган вақтдан камида бир йил ўтгандан кейин ўтказилади.

12. Педагог ва бошқа ходимлар аттестациясидан олдин зарур бўлган тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Аттестациядан ўтказиш муддати ва шартлари аттестациядан ўтувчиларга камида бир ой олдин маълум қилинади (1-илова).

Таълим муассасалари маъмурияти касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда методика кенгаши аъзолари иштирокида муассасалар раҳбарлари, инспекторлар, методистлар, ҳамкасб педагоглар томонидан машғулотлар ва бошқа тадбирларни режа бўйича кузатиш натижасида олинган ҳолис маълумотлар асосида аттестациядан ўтувчиларга тавсифномалар туза дилар.

Аттестациядан ўтказилаётган ходимга берилган методбирлашма ва педагогика кенгашининг тавсияномаси ҳамда аттестация варақаси аттестация бошланишидан камида бир ҳафта олдин комиссияга тақдим этилади (2-илова).

Аттестация якунларидан сўнг аттестация варақасининг бир нусхаси аттестация комиссиясида, иккинчи нусхаси аттестациядан ўтган ходимнинг шахсий ишида сақланади.

13. Аттестациядан ўтказилаётган ходимнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришда унинг касб маҳорати, назарий ва амалий методик даражасини, иш натижаларидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида аввалги аттестация материалларидан фойдаланилади. Агар аттестациядан ўтказилаётган ходим аввалги аттестацияни бошқа вилоят, республикада жойлашган халқ таълими муассасаларида ўтган бўлса ва юқорида қайд этилган материалларни олишда қийинчилик туғилса, аттестация комиссиясининг хулосаси ёки тавсияномаси ҳисобга олинади.

14. Турли хил гуруҳлар педагог ходимлари учун малака талаблари Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 32, 33-моддаларига асосан халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, методика кабинетлари (марказлари) ва илмий-педагогик муассасалар тавсияномаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

IV. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯЛАРИ ТАВСИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА БИТИМ (КОНТРАКТ) ТУЗИШ

Педагог ходимларнинг аттестация якунлари таълим муассасалари, халқ таълими шўъбалари кенгаш йиғилишларида кўриб чиқилади.

1. Таълим муассасалари раҳбарлари аттестация комиссиялари қарорларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар педагог ходимларининг аттестацияси уларнинг аттестациядан ўтувчилар рўйхатига киритиш ҳақидаги аризасига асосан ўтказилади. Аризада қайси малака тоифаси учун аттестациядан ўтаётганлиги кўрсатилади.

3. Мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари, халқ таълими бошқаруви шўъбалари аттестация комиссиялари қарорлари асосида ходимга тегишли малака тоифаси бериш ҳақида буйруқ чиқарадилар.

Педагог ходимнинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув қайд этилади.

4. Мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари аттестация комиссиясининг ходим эгаллаб турган лавозимига мос эмаслиги ҳақидаги қарори асосида аттестациядан сўнг бир ой ичида (касаллик, таътилда бўлиш вақти бу муддатга кирмайди) бошқа лавозим таклиф қилади, ходим рози бўлмаган тақдирда амалдаги қонунчиликка биноан эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқаради. Белгиланган муддат тугагач, ходимнинг ишдан озод қилинишига ёки бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

5. Аттестация билан боғлиқ бўлган меҳнат низолари, шу жумладан, ишдан бўшатиш масалалари белгиланган тартибда, юқори ташкилот ва халқ судида кўриб чиқилади.

V. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯЛАРИ

1. Аттестация комиссиялари барча давлат таълим муассасаларида тузилади. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармалари қошида эксперт комиссиялари тузилади.

2. Аттестация комиссиясининг вазифаси эксперт баҳоларининг объективлигини таъминлаш, аттестация ўтказишнинг шакл ва йўлларини, аниқ муддатини белгилайди, аттестация синовларини ўтказади, аттестация натижалари бўйича қарорлар қабул қилади.

3. Аттестация комиссиялари аъзоларининг сони, шахсий таркиби ва ваколат муддати таълим муассасаси раҳбари томонидан тегишли касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда аниқланади ҳамда педагогик кенгашда тасдиқланади.

Аттестация комиссиялари шакллантирилаётганида улар таркибига мутахассис экспертлар (ўқитувчилар методбирлашмалари раҳбарлари ва аъзолари, туман ёки шаҳар халқ таълими бўлимлари назоратчилари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ҳамда педагогика ўқув юртлари ходимлари) киритилиши шарт.

4. Эксперт комиссияларининг шахсий таркиби ва ваколат муддати тегишли халқ таълими бошқарув шўъбаси раҳбари буйруғи билан белгиланади.

5. Аттестация комиссияси ўқув-тарбия муассасаси педагогика кенгаши тақдим этган тавсияномани ҳар томонлама кўриб чиқиб, аттестациядан ўтказилаётганларни тинглаб, уларнинг ҳар бирига тегишли тоифа малакасини белгилаш тўғрисида хулоса чиқаради.

6. Аттестация натижаси ходимга бевосита аттестациядан сўнг маълум қилинади, аттестация комиссиясининг протоколи билан расмийлаштирилади (3-илова) ва раис, унинг ўринбосари, котиб ҳамда овоз беришда қатнашган аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

7. Педагог ва бошқа ходимлар аттестациясининг барча масалалари бўйича аттестация комиссияси очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади. Овоз бериш усули аттестация комиссияси томонидан белгиланади. Овоз бериш аттестациядан ўтаётган ходим иштирокида ўтказилади. Агар комиссия ишида унинг аъзоларининг 2/3 қисми қатнашса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Овоз бериш натижалари қатнашаётган аттестация комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан белгиланади.

Аттестация комиссияси аъзоси бўлган ходим аттестациядан ўтаётганида овоз беришда қатнашмайди.

8. Агар муассаса аттестация комиссияси маълум бир хулосага кела олмаса ёхуд аттестациядан ўтувчи комиссия хулосаларидан норози бўлса, у ҳолда аттестациядан ўтувчи эксперт комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Эксперт комиссияси аттестация комиссияси чиқарган қарорнинг тўғри ёки нотўғрилиги хусусида ўз хулосасини тайёрлайди, шу асосда аттестация комиссияси узилкесил қарор қабул қилади.

9. Аттестация комиссияси уни ташкил этган шўъба томонидан белгиланган вақт давомида фаолият кўрсатади. Зарурият туғилган ҳолатда шу шўъба томонидан комиссия ваколатининг аввал белгиланган муддатидан қатъий назар унинг таркибига ўзгартиришлар киритилади. Аттестация комиссияси таркибидаги барча ўзгартиришлар у тузилаётган муассасаси ёки халқ таълими бошқарув шўъбаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ— ТАРТИБ ТАЯНЧИ

(Боши 1-бетда).

Ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқ-тарғиботи ва ҳуқуқий тарбияни кучайтиришнинг умумий ғоясини ўзида акс эттиришда ва амалга жорий этишда оммавий ахборот ва тарғибот воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ошкоралик шароитида ҳуқуқ мавзулари бўйича газета ва журналларда ёритилган материаллар, радио эшиттиришлари журналистик усулларининг хилма-хиллиги, талқин этишнинг таъсирчан шакллари билан ажралиб туриши керак. Бу эса газетхонлар, тингловчиларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайиши ва чуқурлашишига, ҳуқуқнинг барча тармоқлари бўйича кўпроқ маслаҳат олишига имкоят яратади.

Ҳуқуқий билимларни оммалаштиришда шу соҳа бўйича ёзилган адабиётлар аҳамияти каттадир. Бироқ китоб дўконларида бундай адабиётлар, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган китоблар топилавермайди. Худди шунинг учун ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш ишида давлат кутубхоналарининг ҳам, ўқув юртлари кутубхоналарининг ҳам улуши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳуқуқий адабиётлар китоб фондларини тўлдириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, китобхонлар талаб-истакларини яхшироқ инобатга олиш, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида библиографик таҳлиллар, китобхонлар конференциялари, баҳс-мунозаралар ўтказиш зарур.

Мамлакат келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш ёш авлод тўғрисида, унинг ғоявий ахлоқий тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам демакдир. Шу боисдан ёшларнинг ҳуқуқ принциплари ва талабларини ўзлаштириб олиши, уларнинг жамият ва давлат олдидаги меҳнат, касб, умумфуқаровий масъулиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кўпгина ёшлар қонунда таққиқланган хатти-ҳаракатлар тўғрисида тасаввурга эга эмаслар. Жамият Қонунларида жамоат ҳаётини ташкил этиш қоидалари, ижтимоий-фойдали ахлоқ нормалари қай тартибда акс этганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Бундай ҳолда нима қилиш керак, аҳволни қандай яхшилаш мумкин?

Жиноий қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича таркиб топган фаолиятнинг шакл ва усуллари шуни кўрсатадики, ўқувчиларга, ёшларга таъсир этувчи тарбиявий ва профилактик ишлар мунтазам олиб борилмайди, кўпгина шахслар жамоатчилик эътиборидан четда қолади ва уларга жиноят содир қилганда ёки қонунни бузгандагина жиддий эътибор берилади. Бундай аҳволни яхшилаш эса қатор вазирликлар ва муассасалар куч-ғайратларини мувофиқлаштиришни тақозо этади. Аниқроқ қилиб айтганда ҳуқуқ тарғиботи, ҳуқуқ умумтаълими натижадорлигини ошириш бўйича лозим даражада аниқ ва ўзаро боғлиқ ишлар учун махсус ҳужжат қабул қилиш зарур. Бу ҳужжат мазкур мураккаб ва кўпқиррали фаолиятни бошқаришдаги давлат бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар маъмуриятлари бурчларини аниқ белгилаб бериши ва улар масъулиятини қатъий қилиб қўйиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1993—1994 ўқув йилида умумтаълим мактаблари, ҳунартехника билим юртлари ҳамда педагогика ўқув муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг ҳуқуқий таълим ва тарбиясини тубдан такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқди. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим даражаларини, ҳуқуқий таълим-тарбиянинг аҳволини ўрганадилар, ҳайъат мажлисларида, педагогика кенгашларида муҳокама қиладилар, масъул муассаса ва ташкилотлар, оталиқ корхоналари, кўнгилли жамиятлар билан биргаликда амалга оширадиган аниқ режаларни ишлаб чиқадилар.

«Давлат ҳуқуқи ва асослари», «Ҳуқуқ», «Ҳуқуқшунослик асослари» фанлари ўқитувчилари учун қисқа муддатли курслар ташкил этиш, ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ҳудудий методбирлашмалар тузиш, туман ва шаҳар метод бирлашмаларда услубий тавсияномалар, мураккаб мавзулар учун ишланмалар, дастурларга айрим тузатишлар киритувчи ижодий гуруҳлар тузиш каби вазифалар тадбирларда ўз ифодасини топди. Бу долзарб ишларни РҲММ, халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари, Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти, малака ошириш институтлари амалга оширадилар.

Халқ таълими бошқарув идоралари, ўқув юртлари, Республика ўқув-методика маркази, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари, педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа муассасаларнинг жамоалари ўқувчилар ва талабалар ҳуқуқ саводхонлигини яхшилашга бутун куч-ғайратлари ва эътиборларини қаратишлари керак.

Умумтаълим мактабларида ва ҳунартехника билим юртларида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқий билимлар жамоатчилик университетларида факультетлари очиш бўйича ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича лекторлар ишига аниқ ғамхўрлик ва талабчанлик кўрсатиш зарур. Жойларда мазкур йўналиш бўйича кинолекторийлар вужудга келтирилса, айни муддао бўларди. Табиийки, бундай ишларнинг барчасида ўқитувчи ва мураббийлар билан биргаликда ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари фаол иштирок этишлари керак.

Ўқув юртларида ўқувчи ёшлар билан, уларнинг ота-оналари билан, (ўқиш жойларида бўлганидек, ишхоналарда ҳам жамоалар билан) прокуратура, адлия ва суд ходимларининг учрашувларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш ҳуқуқ тарғиботи ишида катта фойда келтиради, албатта. Ётоқхоналарда истиқомат қилувчи ишчи ёшлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун тематик кечалар, оғзаки журналлар, баҳс-мунозаралар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда ёшлар клублари ишини фаоллаштириш керак.

Умумтаълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида ота-оналар учун ҳар ойда «Педагогик дарс», «Одобнома» — «Этика» машғулотларини ўтказиш лозим. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш бўлимлари билан биргаликда ёшлар ва мактаб ўқувчилари учун «Ўз ўлкангни бил ва сев» деб аталувчи ажойиб учрашувлар клублари ишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқ муаммолари бўйича видео клубларини ташкил этиш зарур.

Янги ўқув йили бошланишида ўсмирлар клублари ва мактаблар базасида «Ассалом, мактаб!» биринчи синфлар кунини, ўқувчилар иштирокида «Билимлар куни»ни, битирувчилар билан эса «Сен фидойи фуқаро бўлишга масъулсан» тадбирларини ўтказиш лозим.

Болалар ва ёшлар ўртасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат арбоблари ижодига бағишланган адабий-бадиий кечаларни мунтазам ўтказиб бориш зарур. Дам олиш куни клублари фаолиятини давом эттириш ва иш мазмунини янгилаб бориш ҳам муҳимдир. Ўсмирларнинг клублари оталиқ қилувчи корхоналар, қишлоқ ва овул, маҳалла қўмиталари билан биргаликда кўчалар ва хонадонлар байрамларини ўтказсалар, айни муддао бўлади.

Халқ таълими бошқарув идоралари-нинг таълим ва тарбиянинг у ёки бу борасидаги фаолиятининг самарадорлиги ишга ижодий ёндашувни, маҳаллий шароитларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Бугунги кунда биз мустақиллик шароитида янги жамият қурар эканмиз, бу жамият хусусиятлари ва муаммолари қатори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги олдида турган умум мақсадга йўналган вазифалар миқёсида ўсиб келаётган ёш авлодга ҳуқуқий таълим бериш ҳам ҳеч шубҳасиз муҳим ўрин тутади.

ДАРСЛИКЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЯНГИЛАНИШ НИШОНАЛАРИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, кейинги 2 йил ичида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар дастур ва дарсликларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этди. Янги, мукаммал, тубдан мазмуни ўзгартирилган, халқ педагогикамизнинг барча ижтимоий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган дарсликларни яратиш борасида мутахассис олимлар, методист ўқитувчилар иштирокида ишлар қизғин бошлаб юборилган эди. Улар натижаси ўлароқ, янги ўқув йилида ўқувчи, ўқитувчилар мазмунан 70 фоизгача янгиланган дарсликларга эга бўлишади. 1-синфнинг барча дарсликлари ва дафтарлари, 2-синфнинг «Она тили», «Математика», «Атрофимиздаги олам», «Рус тили», «Меҳнат», «Ўқиш китоби» дарсликлари ҳамда «Математика» дафтари, 3-синфнинг «Она тили», «Ўқиш», «Меҳнат», «Рус тили», 4-синфнинг «Она тили», «Табиатшунослик», «Рус тили» дарсликлари шулар жумласидандир.

Асосий мазмуни сиёсий ғоялардан иборат бўлган 2, 3, 4-синф «Она тили», «Ўқиш китоби» дарсликларининг барчасидаги шеър, ҳикоя, матн, машқ учун гаплар халқ оғзаки ижодининг, болалар адабиётининг, ўзбек адиблари ижодининг энг яхши намуналари билан алмаштирилди. Ҳозирги ҳаётимиз, мафкурамизга зид бўлган расмлар, асарлар дарсликлардан чиқарилди.

Жумладан, 2-синф «Ўқиш китоби»даги «Октябрятлар Ленин набиралари», «Бахтли болалар», «Улуғ Октябрь», «Сокольникида арча байрами» асарлари ўрнини яхшилик, Ватанга муҳаббат, халқимиз урф-одатларига ҳурмат руҳидаги «Озни кўп кўргин», «Ака-ука», «Дўст тутмоқ ҳақида», «Меҳргиёҳ», «Ҳадислардан ўгитлар», «Лайлатулқадр» каби ўнлаб асарлар эгаллади. 3-синф «Ўқиш китоби»да ўнга яқин бўлим ўзгартирилди ва «Ота-она азиз», «Китоб — билим булоғи», «Она юртинг — олтин бешигинг», «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат», «Офтоб ҳам яхши, одоб ҳам яхши» деган мавзулар бўйича асарлар танланди.

Дарсликлар устида қилинган катта меҳнатга қарамай, баъзи ўринларда расмлар, сўзлардаги камчиликлар учун ўқитувчиларимиздан узр сўраймиз. Ишончимизки, ўқитувчиларимиз ўз фаолиятларида бундай хатоларни усталик билан бартараф этиб кетадилар.

РУММ бошланғич таълим бўлими.

Давлат мукофотига номзодлар

ШАЙЛАНИШ

Акутагава Рюносукенинг машҳур бир гапи бор. «Шеъриятга яқин бўлган насрнинг тирик қолади», дейди у. Мен унга қўшимча қилиб: «Шеъриятнинг қўшиққа яқин бўлгани учунгина тирикдир», дер эдим. Чунки қўшиқ, куй ва илоҳий оҳангнинг инсоннинг қалб торларини бошқа барча жанр ашёларидан кўра кўпроқ чертади. Яссавий қалбидан қуйилган сеҳрли оҳанг сабаб бизга шеър деб етиб келган ҳикматлари оҳанжамасиз, топ-тоза ва дилга яқиндир. Аммо маломатли жойи шундаки, Яссавий шу шеърларини қайси оҳангда куйлаганини биз билмаймиз, шунинг учун уларни оддий шеър деб қараймиз. Фақатгина замонаси биздан Яссавийникичалик узоқ бўлмаган Машрабнинг сеторда жўшиб куйланган ғазаллари оҳангини бир оз яхши тасаввур қиламиз. Қуръони каримда Исрофил сури ҳақида беъзиз эслатилмаган.

Бизда дағаллик, майинлик ва дард аралашган халқ бахшилари оҳанги бор. Бу оҳанг нисбатан Тоғай Мурода кўпроқ.

Ёш ёзувчи укам Собир Ўнарнинг асарларида ҳам мен тоғ куйларини эшитгандек бўламан. У илк ҳикояларидаёқ ошуфта кўнгил билан куйлай бошлаган эди.

«Аллақачон қуёш оламнинг ҳокими бўлиб олган, камалак эса ўтлари бир қарич ўсиб ётган қирнинг нариги томонига тушган, у Кунсулув қошида бир тўсиқдай эди. Баландлиги Қуёшгача эди! Бир учи орқада қолган, эҳтимол, Жамшид ўқиётган мактаб қошига тушган эди. Сарҳадсиз дашт ўз кўркини намойиш этар, Кунсулувга бу эртак ёки туш каби эди. Ҳушим демас эди. Бироқ камалакнинг нариги бошида Жамшиднинг борлигига ишонарди. Бу бошига қаради — бола кулади. Йўқ, икки бола кулади...».

Мен бу парчани Собирнинг илк ҳикояларидан бири — «Кунсулувнинг сирли хатлари»дан кўчириб олдим. Тирноққа зор, қирлар бағрида — дунёнинг бир чекчасида мунгли яшаб юрган келин ва куёв ҳикояси. Ҳикояда бола Жамшид — ҳуштакчи бола ва камалак тасвири боя юқорида ўқиганимиздек, бир ажиб оҳанг билан кириб келади. Юракни ҳаприқтиради.

Собир ўзига хос нигоҳи бор ёзувчи. Кузатган жойини бутун таровати, дарди билан ва шунга қўшимча ўзининг қалб ҳарорати билан тасвирлайди. Шу боисдандир, у севган жайдари одамларнинг, уларнинг таъмасиз қалбини, дашту қирларини сиз ҳам севишга мажбурсиз.

Унинг ҳикояларини мутлақ бир қоидага солиб таҳлил қилиш қийин. «Қиш кунларининг бири» ҳикоясида ёзувчи ўз уйи ва қўни-қўшниларини бир сюжет асосида эмас, ундан бундан кузатиб, ҳикояга ўхшамайдиган, биз ўрганмаган, бизга яқин биртафт билан ифодалайди. Бу кузатишларнинг тагида гап борми, деб ҳам ўйлаймиз.

«Кундузлари ҳаво илиқ бўлганидан кўп жойларнинг қори эриб, қирлар ола рангга кирди. Аввал кунбеткай томондан эриди. Қуёш қирлар елкасидаги қорларни сойгача «кураб» қўйди. Ер туни билан тин олиб, энди нафас чиқараётганга ўхшарди. Заминнинг намхуш бўғидан тупроқнинг тўйимли ҳидини сезасан. Тандирдан энди узилган нонннинг ҳиди бундан зиёда. Онанг ҳозиргина узиб келган қип-қизил нонни қўлингга олиб синдирсанг-да, бир неча жойидан бармоғинг билан тешиб, сариёғ суркасанг. Сўнг қўлингни куйдираётган нонни иштаҳа билан есанг...

...Бирдан кўпроқ пишиб қатирлоқ бўлган жойига етиб қоласан. Шунда дастлаб онангга ва онангдан бошқа яна номаълум кимсагами, нарсагами шукроналар айтгинг, қучгинг, ҳайқиргинг келади».

Бу парчаларни келтирганимнинг маъниси, Собирнинг кўнгил ёзувчиси эканига сизни ишонтириш. Бу кўнгил таъмадан холи, ўз қаноатига эга бўлган латиф бир кўнгилдир. Унинг ўзига ишонган оҳанги бор.

Ажаб эмаски, келгусида Собир Ўнар деган ёзувчи ўзбекнинг тарихию бутун ғам-алам ва қўшиғини Чингиз Айтматовдек дунё бўйлаб куйласа.

Йўлдош ЭШБЕК,
Ҳамид Олимжон мукофоти соҳиби.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Муҳтарам Юнусали АКБАРОВ!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз ва сермазмун 40 йиллик меҳнат фаолиятингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳозирда вилоятдаги 45-ҲТБЮ педагог ва инженер-техник ходимлари сизнинг қимматли маслаҳатларингиз ҳамда билимингиздан баҳра олишяпти.

Фанимиз равнақи йўлида, келажак авлодлар бахтига доимо соғу саломат бўлинг!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ.

Ҳурматли Усмон ИСМОИЛОВ!

Сиз қатор йиллардан буён ёш авлодга сидқидилдан таълим-тарбия бериб, ўқитувчиликдек сермашаққат касбни шарафлаб келаётган фидойи инсонсиз.

Сизни навқирон 40 ёшингиз ва меҳнат фаолиятингизнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз.

ЧЕЛАК ТУМАНИДАГИ 21-ЎРТА МАКТАБНИНГ ПЕДАГОГЛАР ЖАМОАСИ.

МУЛОҲАЗА

СИНФ РАҲБАРИ ТАРБИЯДА БОШ-ҚОШ...

Бугунги кунда ёшларимиз орасидан ўғрилар, безорилар, ҳаттоки, қотиллар чиқиши ҳаммани ташвишга солмоқда. Ёшлар тарбиясини тўғри йўлга солиш, уларни ҳар томонлама тарбиялаш мактаб олдида турган асосий вазифадир. Мактабда ўқувчи тарбияси асосан синф раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Ўқув йилининг бошланишиданоқ синф раҳбарининг ташвишли кунлари бошланади. Буни мактабимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У синф бурчаги, синф газетаси чиқаради. Ўқувчиларини тўла дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлайди. Ўқувчиларига кундалик дафтарлар юриттириб, ҳафта давомида текшириб боради. Фан ва спорт тўгаракларига, фан олимпиадаларига қатнаштиради. Синф йиғилишлари, тарбиявий соатлар ўтказади. Ҳафтанинг белгиланган кунида тарбия бўйича сиёсий ахборот дарсини ўтказади. Ота-оналар, фан ўқитувчилари билан доимий алоқада бўлади. Синф жамоаси билан касб танлаш ишларини амалга оширади. Синф журнали учун жавобгар. Мактабда тарихий саналарга бағишлаб ўтказиладиган бирорта тадбир синф раҳбари иштирокисиз ўтмайди. Бу ишларни бажариш устида синф раҳбари ҳафтасига 12 соат ишлашига тўғри келади. Республикамиздаги кўплаб мактабларда дарслар икки, ҳатто уч сменада ўқитилиши, бундан ташқари ҳар куни мактаб партасида 6—7 соатлаб дарсда ўтириб ҳориб-чарчаб, толиқиб дарсдан чиққан ўқувчиларга баъзи тарбиявий тадбирлар орқали ўқувчилар тарбиясини яхшилаш ҳам мушкулдир.

Фикримча, ўқув режасидаги дарс соатларини қисқартириш йўли билан, синф раҳбарлигига 0,5 ставка бўйича маош белгиланса, тарбия соҳасида келажакда дунё мамлакатлари орасида алоҳида ўринда туришимиз шубҳасиздир.

Синф раҳбарларини ҳам вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиб, тоифалар берилса, бола тарбиясида янги усуллар, изланишлар пайдо бўлиши табиий.

Хуллас, юқорида таъкидланган фикрларга аҳамият берилса, кўплаб ютуқларнинг қўлга киришига шубҳам йўқ.

Р. НАСИМОВ,
Навбаҳор туманидаги 24-ўрта мактаб директори, халқ таълими бўлими қошидаги синф раҳбарлари метод бирлашмаси раҳбари.

ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ

Тошкент шаҳрининг Шайҳонтоҳур туманидаги Усмон Юсупов номли 132-ўрта мактабда сермазмун тадбирлар тез-тез ўтиб туради. Яқинда мактабни бундан 20 йил аввал битирган ўқувчилар яна қадрдон синфхоналарига тўпландилар. Бу мулоқотнинг ташаббускорлари ўша пайтларда ҳам ўқишда, ишда чаққон собиқ ўқувчилар Абдуманнон Абдуқодиров, Алишер Мусаев, Гулчеҳра Тожибоева, Фокия Абдуқодирова, Бахтиёр Собиров, Арофат Муҳамедовалар бўлишди.

Собиқ ўқувчилар болаликнинг беғубор хотираларини эсладилар. Бир пиёла чой устида ўз устозларини республикамизнинг яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклашдилар, уларга эсдалик совғалар топширдилар.

— Ҳурмат ва эътиборингиз учун раҳмат — деди ўша кезларда мазкур синфга раҳбарлик қилган Миновар Ёқубжонова, — ҳар бирингизнинг жамиятдан муносиб ўрин топганлигингизни кўриб, беҳад қувондим.

Яна бир қатор муаллимлар ҳам кўрсатган иззат-икромлари учун шогирдларига миннатдорчилик билдирдилар.

С. ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: мактабда ўтган учрашувдан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНИМ, ДИЛИМ

ЎЗ ЎРНИ БЎЛСИН

Сўз кишиларнинг ўзаро алоқаси ва муомала маданиятида бениҳоя қудратли таъсир кучига эгадир. Сўзлар кишиларнинг маънавиятини, билимини ҳам намоён қилиб туради. Уни ўз ўрнида қўллаш қанчалик завқ-шавқ берса, ўринсиз «тилдан чиқиб кетган» бир оғиз сўз гапирувчига катта ташвиш келтириши ҳам мумкин.

Кишилар вақти чоғлик онларида, тўйларга «Хуш келибсизлар!» сўзини кўп ва ўринли ишлатадилар, сайлгоҳ, чойхона пештоқларига ҳам бу сўзлар ёзиб қўйилади. Бу ҳаммага хуш кайфият бағишлайди. Аммо тааззжубки, тантаналарга келувчиларга «Хуш келибсиз!» сўзини ишлатишга одатланганмиз-у, кузатувчиларга эса, «Хуш кўрдик!»ни кам айтамиз ва сайлгоҳ, чойхоналардан чиқишдаги пештоқларда бундай сўзларнинг ёзилмаганини ҳам кўрамиз. Киши табиатини ранжитадиган бир ҳол шуки, баъзан совуқ маросимларда ҳам «Хуш келибсиз!»ни ишлатишади.

Биз, зиёлилар, «Одобнома» дарсларида ҳамда тарбиявий суҳбатларда «Хуш келибсиз!», «Хуш кўрдик!» сўзларини ўз ўрнида қўллаш зарурлигини айтиб, уларнинг ёзилишини ва ўз ўрнига тўғри қўйилишини ташвиқот қилсак, тилимиз ардоқланаётган бир пайтда ёшларни азалий урф-одатларимизга тўғри бошлаган, ўргатган бўлардик.

М. ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси.

(Газетанинг навбатдаги сони 1-сентябрда чиқади).

Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

ДАВОЛАШ МАСКАНИ

Талабалар шаҳарчасидаги Абу Райҳон Беруний номли Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтининг даволаш санаторийси энг йирик шифохоналардан бири ҳисобланади. Тўрт қаватли бу ажойиб маскан кўркам салқин боғорога жойлашган бўлиб, даволанувчиларга 1976 йилдан буён беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Санаторийда бир неча даволаш бўлимлари мавжуд бўлиб, хоналар ҳам кенг, ёруғ, эстетик жиҳатдан чиройли дид билан безатилган. Икки нафар мутахассис врач ва ўндан ортиқ ҳамширалар даволанувчиларга хизмат қилади. Бу ерда оёқ ва бўғимлари оғрийдиган, асаб, ошқозон ва ичак касалликлари билан, шунингдек, буйрак, сийдик йўллари шамоллаганлар ванна, физиотерапия, парафин билан даволанади. Масканда иссиқлик, электр нури билан душ қабул қиладиган ўрин, массаж хонаси, бадантарбия, дам олиш зали ҳам мавжуд.

— Даво истаб келган беморга ёрдам берибгина қолмасдан, шу билан бирга уларнинг кўнглини кўтариш, ихлос-илтифот кўрсатиш, касалликларидан фориғ этиш бизнинг вазифамиз, — дейди даволаш-профилакторийнинг олий тоифали бош врачи Ботир Тошпўлатов. — Юқумли касалликларга қарши курашиш, дам олиш шароитларини яхшилаш, ва алкоголизмга қарши кескин курашиш, она ва болаларнинг саломатлигини ҳимоя қилишни ҳам асосий бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Даволаш-санаторий бир ойда 100—120 нафар кишини қабул қилади, демак, бир йилда 1200—1400 нафар киши даволаниб, дам олади.

Даволаш-профилактор и й врачи Бобоҳон Аҳмедов, муолажа қилувчи Мавжуда Собирова, парафинчи ҳамшира Гулҳумор Рўзиева, физиотерапия ҳамшираси Шарофат Мамешева, бош ҳамшира Нина Ворошилова ва бошқалар ўзларининг ширин сўзлиги, хушмуомалалари билан даволанувчиларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Олқиш ва миннатдорчилик, таклиф ва мулоҳазалари, муҳрланиб ёзилган дафтарларни варақлаймиз.

— «Мен А. Ортиқов ана шу шифохонадан дардимга даво топдим. Профилакторий жамоасига, айниқса, врач Ботир Тошпўлатовга, врач-терапевт Бобохон Аҳмедов, физио-терапия ҳамшираси Шарофатхонга, ванна ва парафин ҳамшираси Гулхумархонга чин юракдан, самимий миннатдорчилик изҳор қиламан. Даволаниш жараёнида уларга ҳурматим чексиз ошди. Саломатлик посбонлари ўз вазифаларига жуда садоқатли, билимдон, юксак малакали, инсонпарвар, қўли гул, беминнат ишлайдиган шифокорлар эканликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим».

А. Ортиқов, Тошкент техника дорилфунуни профессори.

«Санаторийда барча шароит яратилган. Яхши шарт-шароит ҳам энг яхши даводир. Кишилари ширин сухан, кўнгли очиқ, меҳрибон. Биз бундай жамоани Тошкент политехника институти санаторий-профилакторийсида кўрдик. Кўп сонли дам олиб, даволанувчилар номидан М. Жалолова, Т. Исмоилова, Д. Иброҳимова, М. Нуридинова, М. Ғоибназарова ва Қ. Ғойповалар Ҳамза туманидаги 230-мактаб ўқитувчилари».

Миннатдорчилик изҳори билдирилган дастхатларни тошкентлик профессорлар Ф. Шарипов, М. Бўриҳўжев, СамПИ IV курс талабаси А. Бегалиев, Қорақалпоғистон республикаси ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг педагогика ва психология кабинети мудири М. Музанов, Бухоро вилояти Олот туманидан З. Қутлиев, Хоразмдан Д. Омонова, Қашқадарёдан Г. Эштурдиевалар ҳам ёзиб қолдиришган.

Хуллас, дардга малҳам берувчи бундай дам олиш масканлари кўпчилик қаторида ўқитувчиларнинг ҳам кучига-куч, дардига даво бериб, ғайрат бағишламоқда, изланишга, яратувчиликка, таълим-тарбияни янада мустаҳкамлашга илҳомлантирмоқда.

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Жумҳуриятимизда очилажак янги ўқув юрти —

ТОШКЕНТ ҚИЗЛАР ЛИЦЕЙИ да

қабул имтиҳонлари бошланмоқда!

Лицейда ўқув, ётоқхонада яшаш ва кунига тўрт маҳал иссиқ овқат шароитига мослашган бўлиб, дарслар ўзбек, турк, инглиз тилларида юргизилади. Химия, биология, физика, математика фанлари инглиз тилида ўқитилади.

МАНЗИЛИМИЗ: *Тошкент хусусий эркаклар лицейи*

Ҳамза тумани Султонали Машҳадий кўчаси

307—мактаб Автобуслар: 16, 21, 30 Шампан виноси ишлаб чиқариш корхонаси бекати ✆ Телефон 68-58-26

Мурожаат муддати: 1993 йил 27 августгача.

Имтиҳонлар: фақат 6-синфни битирганлар учун – 28 август 9⁰⁰ да ўтказилади.

Ўқувчилар 2 та расм (3X4) ва баҳолар табелини олиб келишлари лозим.

Табелдаги ўртача баҳолар 4 ва 5 бўлиши шарт.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

олий ҳамда ўрта мактабларнинг шарқ тиллари ўқитувчиларини ишлаб чиқаришдан ажралган (1 ойлик) ва ажралмаган (6 ойлик) ҳолда хўжалик ҳисобидаги малака ошириш курсларига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Вилоятлардан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 15 уй, 703-хона.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан Чуланова Гулнора Миркаримовна номига берилган ПВ-872468 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, Ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси «Таржима назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Ҳамдам Исмоиловга отаси

Исмонжон ИЎЛДОШЕВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *Тошкент, 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.*

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г — 494. 91769 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 19.00.

Босишга топширилди — 19.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.